

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1899-ҳадис**

1899 - وَعَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَرَجَ إِلَى قَتْلَى
أُحُدٍ، فَصَلَّى عَلَيْهِمْ بَعْدَ ثَمَانِ سِنِينَ كَالْمُودِّعِ لِلْأَحْيَاءِ وَالْأَمْوَاتِ، ثُمَّ طَلَعَ إِلَى الْمِنْبَرِ، فَقَالَ: «إِنِّي
بَيْنَ أَيْدِيكُمْ فَرَطٌ وَأَنَا شَهِيدٌ عَلَيْكُمْ وَإِنَّ مَوْعِدَكُمْ الْخَوْضُ، وَإِنِّي لَأَنْظُرُ إِلَيْهِ مِنْ
مَقَامِي هَذَا، وَإِنِّي لَسْتُ أَخْشَى عَلَيْكُمْ أَنْ تُشْرِكُوا، وَلَكِنْ أَخْشَى عَلَيْكُمْ الدُّنْيَا أَنْ
تَنَافَسُوهَا». قَالَ: فَكَانَتْ آخِرَ نَظَرَةٍ نَظَرْتُهَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ
4042، م 2296].

وَفِي رِوَايَةٍ: «وَلَكِنِّي أَخْشَى عَلَيْكُمْ الدُّنْيَا أَنْ تَنَافَسُوا فِيهَا، وَتَقْتُلُوا فَتَهْلِكُوا كَمَا أَهْلَكَ مَنْ
كَانَ قَبْلَكُمْ»، قَالَ عُقْبَةُ: فَكَانَ آخِرَ مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمِنْبَرِ [م
2296، 31].

وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ: «إِنِّي فَرَطٌ لَكُمْ وَأَنَا شَهِيدٌ عَلَيْكُمْ، وَإِنِّي وَاللَّهِ لَأَنْظُرُ إِلَى حَوْضِي الْآنَ، وَإِنِّي
أُعْطِيتُ مَفَاتِيحَ خَزَائِنِ الْأَرْضِ، أَوْ مَفَاتِيحَ الْأَرْضِ، وَإِنِّي وَاللَّهِ مَا أَخَافُ عَلَيْكُمْ أَنْ
تُشْرِكُوا بِعَدِي وَلَكِنْ أَخَافُ عَلَيْكُمْ أَنْ تَنَافَسُوا فِيهَا» [خ 1344، م 2296].

وَالْمُرَادُ بِالصَّلَاةِ عَلَى قَتْلَى أُحُدٍ: الدُّعَاءُ لَهُمْ، لَا الصَّلَاةُ الْمَعْرُوفَةُ.

1899. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд қурбонларига саккиз йилдан
кейин худди тириклару ўликлар билан видолашаётган одамдек жаноза*

ўқидилар. Кейин минбарга чиқиб: **«Мен олдингиздаги фаратман.* Мен сизларга гувоҳман. Албатта, сизларга ваъда қилинган жой Ҳавздир. Мен мана шу турган жойимдан уни кўриб турибман. Мен сизларнинг мушрик бўлиб кетишингиздан кўрқмайман, лекин сизлар учун дунёдан кўрқаман, унда кимўзар ўйнаб кетишингиздан»**, дедилар. Бу менинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сўнгги бор қарашим бўлди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда: **«Лекин дунё устида кимўзар ўйнаб кетишингиздан ва олдинги умматлар каби уни деб урушиб ҳалок бўлишингиз кўрқитади»**, деганлар. Уқба: “Бу менинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга минбар устида сўнгги бор қарашим бўлди”, деди.

Яна бошқа ривоятда: **«Мен сизларни кутиб олувчингиз ва гувоҳ бўлувчингиздирман. Аллоҳ номига қасамки, мен ҳозир ҳавзимни кўряпман. Менга ер ҳазиналари калитлари ёки ер калитлари берилди. Аллоҳ номига қасам, мендан кейин сизлар мушрик бўлиб кетишингиздан кўрқмайман лекин сизлар (мол-дунёда) кимўзар ўйнаб мусобақа қилишингиздан кўрқаман»**, дедилар”.

*Уҳуддаги ўликларга жаноза ўқидилар, деган жумладан мақсад уларнинг ҳаққига дуо қилдилар деган маънодадир.

Шарҳ: «Фарат» деб сув ёки манзилга ҳаммадан олдин бориб, ҳозирлик кўриб турадиган кишига айтилади.

Уҳуд Мадинаи мунаввара яқинидаги тоғ бўлиб, у мусулмонлар билан кофирлар ўртасида бўлиб ўтган машҳур жанг билан номи чиққан. Ўша жанг мазкур тоғ яқинида бўлгани учун Уҳуд жанги номини олган. Шунингдек, ўша жангга тегишли бошқа нарсаларга ҳам Уҳуд нисбати берилади. Шунинг учун ҳам ушбу ривоятда, Уҳудда қатл этилганларни, деб келмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



